O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
MUZRABOT TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
МУЗРАБАДСКОГО РАЙОНА

20**20** y «**04**» **май** № **Қ-714** «____» _____ 20___ г

Туман ҳудудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Музработ тумани ҳудудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини қирғоқдан 100 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 30 метр ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 15 метр этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар, (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қурiш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

3. Туман ҳудудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Мазкур қарор “Музработ” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Бозоров зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Э.Ж.Алимов**

HUJJATLAR QISMI
РАЗДЕЛ ДОКУМЕНТОВ